



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra



Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш

комиссиясининг

илмий-ахборот маркази

Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти

**«Фермер хўжаликлари даласида сувнинг маҳсулдорлигини ошириш»
лойиҳасининг**

АХБОРОТ МАРКАЗИ

**ЎЎЗАНИНГ НАМАНГАН -77 НАВИ ВА
АГРОТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА**

ТАВСИЯЛАР



АНДИЖОН

Наманган-77 нави Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти ва унинг Қизил Работ тажриба хўжалигида яратилган.

Муаллифлари: В.А.Автономов, М.Саидахмедов, А.Э.Эгамбердиевлар.

Ушбу нав 159-Ф нави билан пунктатум “05152” ёввойи турини чатиштириб яратилган “С-6526” навининг табиий дурагайидан якка танлаш усулида яратилган, 1994 йилда Давлат реестрига киритилган.

Навнинг бош пояси 100–110 см бўйига эга, ўсув шохи 1-2 дона, ҳосил шохлари 1,5–турга мансуб, биринчи ҳосил шохи 5-6 бўғиндан чиқади, ўртапишар навлар гуруҳига киради.

Амал даври 124–130 кун, бир кўсакдаги пахта вазни 5,2 г, тола узунлиги 33,7 мм, тола чиқиши 38,5 фоиз, микронейр кўрсаткичи 4,5-4,7 минг дона чигит вазни 97-110 г, V–саноат турига мансуб.

Нав асосан мамлакатимизнинг Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро каби жанубий вилоятларида кенг жорий этилган. Андижон вилоятида эса бу навни 2011 йили 18 минг гектар майдонга экиш режалаштирилган.

Вилоятимиз шароитида Наманган-77 ғўза навини сизот сувлари 1 метрдан юқори, 2,5 метрдан паст бўлмаган ўтлоқи бўз тупроқли фермер хўжаликларида жойлаштириш тавсия этилади.

Экиш муддати очиқ майдонларга экилганда 1–15 апрел, пленка остига экилганда эса 20–30 март. Навни 60 ва 90 см.ли қатор ораларга, кузги пушталарга экиш мумкин. Нав чигити пленка остига экилганда ушбу усул бўйича махсус, амалдаги тавсияларга риоя қилинади.



Одий, очиқ усулда экилган навни кўчат қалинлиги 60 см.ли қатор ораларда дала тупроғи унумдор бўлса 80-90 минг/га (бир погонometrда 5-6 туп), 90 см.ли қатор ораларда ҳам 80-90 минг/га, лекин бир погонometrда 7-8 туп кўчат колдирилади.

Тупроғи ўртача унумдор далаларда гектар хисобига 90-100 минг туп кўчат бўлгани маъқул. Бунинг учун 60 см.ли қатор ораларнинг бир погонметрида 9-10 туп кўчат бўлиши лозим.

Тупроқ унумдорлиги паст далаларда бу навни 90 см.ли қатор ораларга экиб гектарига 110-120 минг туп кўчат ҳосил қилиши учун бир погонметрда 10-11 дона кўчат қолдириш керак.

Ушбу нав учун маъдан ўғитларнинг йиллик меъёрлари камида, (соф холда) азот билан 200 кг/га, фосфор билан 140 кг/га, калий билан эса 100 кг/га бўлмоғи лозим.

Навни азот билан озиклантириш экиш билан бирга 30 кг/га, шоналаш даврида 70 кг/га, гуллаш – мевалаш даврида эса 100 кг/га бўлиши тавсия этилади.

Йиллик фосфорли ўғит меъёрининг 70 фоизини, ҳамда калий ўғитининг 50 фоизини шудгор остига бериш зарур. Бу маъдан ўғитларни қолган қисмини, хусусан фосфорни ғўза 4-5 чинбарг чиқарганда ва гуллаш даври бошланганда берилади, калийни қолган қисмини эса ғўзани шоналаш даврида бериш керак.

Ушбу ғўза нави баргдан озиклантириш усули қўлланганда ҳам яхши ўсиб ривожланиши тезлашади.

Ғўзани маъдан ўғитлар билан озиклантириш 15-20 июлда яқунланди.

Мазкур ғўза навини маъдан ўғитлар билан биринчи озиклантиришда, қатор оралар 60 см бўлса, ўғит ўсимликлар қаторидан 8-10 см узокликда, 12-14 см чуқурликка, иккинчи озиклантиришда 16-18 см узокликда, 15-16 см чуқурликка, учинчи озиклантиришда эгат тубига 4-5 см чуқурликка солинади.

Қатор оралар 90 см бўлганда биринчи ва иккинчи озиклантиришда ўғитлар ўсимликлар қаторидан 12-13 см ва 14-15 см узокликда, 15-16 см чуқурликка, учинчи озиклантиришда эгат тубига 5-6 см чуқурликка берилади.

Ушбу нав маҳаллий (органик) ўғитларга ҳам талабчан. Хусусан, гўнг ўғитини гектар хисобига 15-20 тонна шудгор остига қўллаш, бунда далалараро гўнг алмашиш усулидан фойдаланиш айтиш муддао бўлади.

Шунингдек, ушбу нав экилган фермер хўжаликлари далаларида компостлардан, шарбатдан, шаҳар, хожатхона, парранда ва ипак қурти чиқиндиларидан, зовур ва ариқларни қуриган лойқаларидан, эски, хароба девор тупроқларидан, кул ва бошқа ер ўғитларидан, ноанъанавий ўғитлардан (бентонит) фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Чунки маҳаллий (органик) ўғитлар тупроқ намлигини яхши сақлайди, сувнинг маҳсулдорлигини оширади.

Наманган-77 ғўза навини суғоришда ҳудди бошқа навлар сингари ернинг мелиорация ҳолати, тупроқ тури ва иқлим шароит ҳисобга олинади, навнинг ривожланиш даврига эътибор берилади.

Ғўзани бир галги суғориш меъёри шоналаш даврида 700-800 м³/га, гуллаш-мевалаш даврида 900-1000 м³/га, ҳосил пишиб етилаётган даврда эса 700 м³/га бўлиши керак.

Сизот сувлар сатҳи ер юзасидан 2-2,5 метргача жойлашган далаларда бу навни гуллаш босқичига қадар 1-2 марта, сизот сувлари 1-2 метрда жойлашган далаларда эса 1 марта суғорилади. Ғўзанинг гуллаш давридан кўсаклар очилгунча бўлган даврда сизот сувлар 2,5 метрдан пастда жойлашган бўлса 2-3 марта амал

суви берилади. Худди шу даврда сизот сувлар 1 метр атрофида жойлашса 1–2 марта суғориш ўтказилади.

Нав 60 см.ли қатор ораларга экилган бўлса сизот сувлари 1-2 метрда жойлашган далаларда амал сувларини қатор оралатиб ўтказган маъқул. Агар нав 90 см.ли қатор ораларда экилиб, сизот сувлар 2,5 метрдан юқорида жойлашган бўлса эгат оралатиб суғориш усулидан ўсимликни гуллаш давригача фойдаланиш мумкин.

Суғориш учун муваққат ўқариклар ораси 60 см.ли қатор ораларда ернинг нишоблигига қараб 60-70 метр, 90 см.ли қатор ораларда 80-90 метр бўлиши керак.

Наманган–77 ғўза навининг чигити мақбул муддатларда экилиб ниҳоллар 50 фоиз униб чиққанда қатор ораларни ишлаш, ёхуд култивация қилиш бошланади.

Мазкур тадбирни ишлаш муддатлари ва сифатига жиддий эътибор бериш лозим.

Токи култиватор жиҳозлари тўлиқ, ўткир, улар тупроқни қатламлаб ишлаш талабларига мос ҳолда, қамров кенлиги рисоладагидек қилиб созланган бўлсин.

Бунинг ижобий хусусияти шундаки ўз вақтида ва сифатли ўтказилган култивация тупроқдан сувнинг буғланишини камайтиради, намлик сақланади, сувнинг маҳсулдорлиги ортади.

Навнинг тўла кўчати ҳосил қилинган далаларда, биринчи ва иккинчи ишловлар орасида қатор ораларни 22-25 см.га чуқур юмшатиш ёки чизеллаш ниҳоятда самарали тадбирдир.

Бунда ўсимлик илдиз тизими жойлашган тупроқ қатламининг ҳаво ва ҳарорат мароми яхшиланади, суғориш эгатлари сифатли чиқиб сув тупроққа яхши сингийди, суғоришлар ораси узаяди, сув тежалади.

Натижада ғўза дуркун ўсади, жадал ривожланади, мўл ҳосил олади.

Наманган-77 навини чилпиш пахта ҳосилини пишиб етилишига дахлдор тадбирдир.

Ушбу тадбирни амалга ошириш муддати ғўзанинг ривожини, навнинг ўзига хос хусусияти, кўчат қалинлигига қараб белгиланади ва ҳар бир тупда ўртача 14 -15 ҳосил шохи пайдо бўлганда амалга оширилади.

Бу кўрсаткич кўчат сони юқори бўлган майдонларда бир-икки донага камайтирилади, кўчат сони сийрак бўлган майдонларда бир донага оширилади.

Лекин, ҳар қандай ҳолатда ҳам ғўзани чилпиш 10 августгача (ғўзаси ниҳоятда кечки бўлган майдонлар бундан истисно) тугалланиши зарур.

Мазкур нав экилган майдонларда ғўзани дефолиация қилиш жами кўсақларни 50–55 фоизи очилганда ўтказилади.

Бунинг учун суюқ хлорат магний дефолиантини гектар ҳисобига 8-10 кг, Авгурон экстра дефолиантини эса 80-110 граммдан сепилади.

Андижон вилояти пахтакорлари ушбу тавсиялардан ижодий фойдаланиб, сувнинг маҳсулдорлигини ошириб, 2011 йилда Наманган-77 ғўза навидан ҳам эртапишар, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштирадилар деб умид қиламиз.

Ушбу тавсиянома “Ахборот маркази”нинг мутахассиси, Қ.Х.Ф.Н, ЎзПТИ Андижон филиали катта илмий ходими С.Баҳромов томонидан илмий манбалар асосида тайёрланди. Мурожаат учун телефон 224-40-41